

Усмонли адабиётини оз-моз ўкуганлар, унинг билан бир даража ошно бўлганлардан кайси бириси бу исмни билмайди, кайси бириси муни танимайди.

Усмонлиларнинг «адабиёти жадида» (янги адабиёт) чиларининг пир ва устози бўлган Тавфик Фикратбек бутун янги насл туркларнинг юракларина гўзал, нафис ва латиф шеър букетлари кадамишдир. Унинг кенг хаёли равон (тез) ва енгил ифодаси кимни, кайси бир шеър ва адабиёт муҳибини тасхир этмас? Хусусан унинг «Рубоби шикаста» (синик дутор)си, ундаги баланд ва латиф йўллар накадар жозибали ва завкли нарсалардир!

Тавфик Фикрат «Рубоби шикаста»си ила канча танилган бўлса, унинг ила канча нафосат суювчиларни ўзига мафтун этган бўлса, «Тарихи кадим»и, у даҳшатли фарёди ила одамларнинг калбинда буюк-буюк ўзгаришлар вужудга келтирмишдир. «Тарихи кадим» «Рубоби шикаста»дай эмасдир: «Рубоби шикаста» дунё кўрмишдир, матбаъда темирлар орасинда кисилмиш, когоз бетларинда неча минг нусха босилмишдир. Локин, «Тарихи кадим» махфийдир, кўлдан кўлга кўчирилуб, ёзилуб юргизиладурган нарсадир. У тарихнинг жиноятлари каби сирлидир, хар кимга «мана мен!» деб кўруна бермас. Уни босдириш мумкин бўлмади. У олий фикрлар бечора Шаркнинг кўхна, чирик миясига сигмади; забун, эзилган шарклининг кенг калбинда жой топа олмади; бир вактлар. Умар Хайёмнинг энг аччиг ва даҳшатли фикрларига майдон берган Шарк мухити, асорат ва куллик остинда шу кадар эзилмишдирки, буни, бу кийматли асарни ўзига сигдира олмади... Эҳтимол, энди Шаркнинг четлар сultonидан кутулуб хакикий инкилобга яқинлашуб келаётган вактларида буюк шоирнинг улуг фиклари дунё юзи(ни) кўрса...

Тавфик Фикратбек ўзининг бу буюк руҳи ила, у:

Дин шахид истар, осмон курбон,
Яна кон, хар тарафда кон, кон, кон!
(«Тарихи кадим»)

деган, конга, зулмга, жиноятга карши кўпурган жони ила — бу жиноят уяси бўлган «ески дунё»да зўрга-зўрга токат килуб чидаб турди. Охирда, у неча милиён гунохсиз жонларни ютуб, кўб мамлакатларни вайрон килуб келган «маданият уруши» (Оврупо мухорабаси)дан сўнг чидай олмади; одамлар у вахший «хайвон»лар ичиндан чиқди. Истанбулнинг бир чекасида, бир жаъра гўшада 1—2 йил ёлгиз бошига дарвешлардай умр ўтказди. Охирда Оврупо «ўлум машинаси»нинг энг тезлаган вахшат оташининг энг кизигон бир вактида кетди тинч, роҳат дунёга кетди.

Бу «ваҳшатобод»ни тарқ этди.

Энди унинг кабри бутун усмонли ўшларнинг зиёратгоҳидир. Дунёнинг вахшатига ўч, лекин ўзи каби дарвешлардан бири, файласуф дўктур Ризо Тавфик унинг кабрини зиёратига боруб кабри устинда айтадир: (босилмаган асарлардан).

ФИКРАТНИНГ КАБРИНДА

Дейдиларки, эссиз колан тирбангда

Вахший гуллар очмиш, кўрмая келдим;
У бог жаннатинг хокина банда,
Хасрат-ла юзимни сурмая келдим!
Дейдиларки, сенга амал bogляян
Кабрингда диз чўкуб бир дам оглаён
Бир мурод ўлурмиш, банда бир замон
Оглаюб мурода эрмая келдим!
Шу хижрон йилининг сўнг баҳоринда
Чолалар титраган чаманзоринда
Кун бугмазди бандада мозорингда,
Мотам чечаклари дермая келдим!
Сени онгдим бутун гам чеканлар-ла
Ишк ҳак ўгринда ёш дўканлар-ла
Соригинча вайрон шу деганлар-ла
Тошингга бир чаланг урмая келдим!
Ёдинг ўлум каби бир сир мубхам
Нашъа шу долли бу хис исм.
Рухимда на фусун айладинг илхом
Бу кун сенга кўнгул вермая келдим!

Шундай килиб, улуг бир шоир дунёдан кетди. Уни билганлар йиглаб колдилар, билмаганлар — яна илгаридаи.
Дунёнинг вахшатлари бўлса яна хамон давом этмакда, мазлумлар инкилобигина нихоят бермаса бошка мажот кўрилмайдир.
Роҳат, масъуд ёт кабрингда эй улуг пир!..

«Иштирокиён» газетасининг 1920 йил 10 январ сонида босилган.
Тавфиксик Фикрат (1867—1915) — турк шоири, журналист. Асалари 1894 йилдан чоп этила бошлаган. Ўша вактда адабий марказ вазифасини ўтаган «Сарвати фунун» («Билимлар хазинаси») журнали унинг муҳаррирлигига чикиб турган. 1908 йил инкилоби Тавфиксик Фикратнинг идеалига мос келмаган, журналистикадан йироклашган.